



**KLINIK LABORATOR
DIAGNOSTIKADA INNOVATSION
TEXNOLOGIYALARDAN
FOYDALANISH, MUAMMOLAR VA
YECHIMLAR
xalqaro ilmiy-amaliy
anjuman
18 aprel 2023 yil**



O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni saqlash vazirligi

WWW.SSV.UZ

Toshkent tibbiyot akademiyasi WWW.TMA.UZ

Mazkur to‘plamda Toshkent tibbiyot akademiyasining “Klinik laborator diagnostikada innovatsion texnologiyalardan foydalanish, muammolar va yechimlar” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari kiritilgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni va sifatiga muallif(lar) javobgar hisoblanadi.



Toshkent – 2023

Tahrir hay'ati

Shadmanov Alisher Kayumovich	Rektor, Tashkiliy qo'mita raisi
Bobomuratov Turdiqul Akramovich	Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektor
Boymuradov Shuxrat Abdusalilovich	O'quv ishlari bo'yicha prorektor
Maruf Sakirovich Karimov	Davolash ishlari bo'yicha prorektor
Azizova Feruza Lyutpillaeva	Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo'yicha prorektor
Saidov Alonur Baxtinurovich	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası mudiri
Babadjanova Shaira Agzamovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası professori
Kurbonova Zumrad Chutbayevna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası dotsenti
Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası katta o'qituvchisi

Moderatorlar

Kurbonova Zumrad Chutbayevna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası dotsenti
Sayfutdinova Zuhra Abdurashidovna	Gematologiya, transfuziologiya va laboratoriya ishi kafedrası katta o'qituvchisi

автоматлаштирилган анализаторлардан фойдаланиш яхши самара беради. бунда оксиллар, аминокислоталар, углеводлар ва бошқа кўплаб моддаларнинг миқдорини текшириш мумкин. Олинган натижалар замонавий тадқиқот лабораторияларида автоматик равишда компьютер дастурлари орқали шифокорларга узатилади ва кўплаб лаборатор натижаларни хотирада сақланади. Шу билан бирга, диагностик лабораторияларда лаборатор инфор­мацион тизимларини қўллаш орқали бемор таҳлил натижаларини кузатиб бориш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Клиник лабораторияларда олинган кўплаб маълумотларни қайта ишлашда автоматлаштирилган тизимларни қўллаш юқори самара беради. Ушбу тизим лаборатория самарадорлигини ошириш учун натижалар ва тегишли маълумотлар оқимини самарали бошқариш имконини беради. Автоматлаштирилган тизим иш жараёнларини, таҳлилларни ва муолажаларни стандартлаштиришга ёрдам беради, шу билан бирга лабораторияни самарали бошқаришни таъминлайди. Автоматлаштирилган лабораторияларда анализаторлар тўғри калибрланганлиги ва махсус ўқитилган лаборатория ходимлари ишлашини назорат қилиш керак. Клиник лабораторияларда автоматлаштирилган лаборатор инфор­мацион тизимларни қўллаш беморларга сифатли хизмат кўрсатиш, катта ҳажмдаги маълумотларни сақлаш орқали лаборатория ходимлари ишининг унумдорлигини оширади.

Хулоса. Хулоса ўрнида айтиш лозимки, ҳозирги кунда тиббиёт соҳасида замонавий ахборот технологияларининг ўрни бекиёсдир. Автоматлаштирилган лаборатор инфор­мацион тизим тиббиёт соҳасидаги кўплаб муаммоларни ҳал қилишда кенг қўлланилади. Шунингдек, клиник лабораторияларда катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлашда автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланиш юқори самарадорлик беради.

Адабиётлар.

1. Базарный В. В. и др. О публикационной активности периодических изданий, публикующих статьи по специальности «Клиническая лабораторная диагностика» //Лабораторная служба. – 2020. – Т. 9. – №. 4. – С. 59-67.
2. Эмануэль Ю. В. и др. Клиническая лабораторная диагностика как часть клинической медицины //Клиническая лабораторная диагностика. – 2015. – Т. 60. – №. 7. – С. 63-64.
3. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Laboratoriya ishi: elektron o‘quv qo‘llanma. Toshkent, 2022. 176 b.
4. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Peshobning klinik laborator tahlili: o‘quv – uslubiy qo‘llanma. Toshkent, 2022. 49 b.

КЛИНИК ЛАБОРАТОР ДИАГНОСТИКАДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Олимова М.М., Бахтиярова А.М.

Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Лаборатория диагностикаси аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Лабораторияда даволаш ишлари олиб борилмайди, аммо у шифокор ва беморга даволаниш бўйича тўғри қарор қабул қилишга, унинг самарадорлигини баҳолашга ва кўп ҳолларда касаллик ривожланишининг дастлабки босқичларида патологияни аниқлаш орқали касалликнинг бошланишини олдини олишга ёрдам берадиган диагностик маълумотларни тақдим этиши мумкин. Лаборатор диагностика хужайра ва молекуляр даражада бемор танасининг ҳолати ҳақида маълумот беради. Бу шифокорга касалликнинг этиологияси ва патогенезини чуқурроқ тушуниш имконини яратади. Лаборатория фаолиятининг самарадорлиги олинган маълумотлар мазмуни, унда олинган натижаларнинг ишончлилиги ва ўз вақтидалиги билан баҳоланади. Самарадорликни таъминлашга янги, кўпроқ маълумот берувчи тестларни жорий этиш, ходимларни билим савиясини ошириш, техник таҳлил жараёнини автоматлаштириш орқали эришилади.

Клиник лаборатор диагностика касалликларнинг клиник кечишини фарқлаш ва метаболик жараёнларнинг бузилишларини бартараф этиш учун турли хил биологик материаллар бўйича тез ва самарали тадқиқотлар ўтказиш имконини берадиган замонавий диагностика ускуналари билан жиҳозланган бўлиши керак. Лабораторияда юзлаб таҳлиллари бажариш мумкинлиги ҳисобга олган ҳолда, автоматлаштирилган усуллари жорий этиш натижасида самарадорлик бир неча мартага ошди.

Ҳозирги кунда клиник диагностик лабораторияда ҳар ойда 35 мингдан ортиқ текширувлар ўтказилиб, уларнинг 89,9 % автоматик анализаторларда ўтказилади. Тадқиқотлар ассортименти деярли барча диагностик соҳаларида 350 дан ортиқ турдаги тадқиқотлар билан ифодаланади.

Лабораторияда аҳолини оммавий скринингни амалга ошириш учун юқори самарадорликка, паст инвазивликка эга, арзон бўлган лаборатория тадқиқот усуллари қўлланилади. Лабораторияда мавжуд бўлган асбоб-ускуналар фавқулодда вазиятларни тезкор диагностика қилиш имконини беради. Лаборатория экспресс диагностикаси ўзига хос хусусиятга эга. Лаборатория экспресс усуллариининг техник хусусияти шундаки, кўп вақт талаб қилмайдиган ва минимал материал ҳажмини талаб қиладиган усуллардан фойдаланиш керак.

Турли хил патологик ҳолатлар билан бирга келадиган асоратларнинг учраши доимий равишда ўсиб бормоқда. Шунинг учун интенсив терапия фаолиятини қўлланадиган лаборатория мажмуаси, яъни кислота-ишқор баланси ва қондаги газлар анализатори, электролитлар таркиби анализатори, коагулометр, агрегометр, тромбоэластограф, биокимёвий анализаторлар ҳар бир шифохонада бўлиши керак.

Хулоса. Шундай қилиб, замонавий тиббиётни лаборатория ва инструментал диагностикасиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Адабиётлар.

1. Кишкун А. А., Беганская Л. А. Клиническая лабораторная диагностика. – 2021.

2. Кишкун А. А. Клиническая лабораторная диагностика: учебное пособие. – ГЭОТАР-Медиа, 2010.

8. Kurbonova Z.Ch., Sayfutdinova Z.A. Peshobning klinik laborator tahlili: o'quv – uslubiy qo'llanma. Toshkent, 2022. 49 b.

9. Kurbonova Z.Ch., Babadjanova Sh.A. Laboratoriya ishi: o'quv qo'llanma. Toshkent, 2022. 140 b.

КАЛАМУШЛАРДА ҚАНДЛИ ДИАБЕТНИНГ АЛЛОКСАН МОДЕЛИНИ ЎРГАНИШ

**Омонов А.А., Мухамедова Н.Х., Мустафакулов Ж.Р., Бауетдинова
Г.Д.**

Тошкент Тиббиёт Академияси

Тадқиқот мақсади: аллоксан қўзғатадиган қандли диабетнинг биокимёвий хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тажрибада 250-300 г оғирликдаги 78 та оқ жинсий етук эркак каламушларда 1 кг тана вазнига 150 ва 250 микрон дозада аллоксан тетрагидратнинг қорин бўшлиғига эритмасини киритиш орқали қандли диабет экспериментал модели олинган. Материаллар икки гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ 28 каламушдан иборат бўлиб, уларга 150 мг / кг дозада аллоксан АОК қилинган; 2-гуруҳ 250 мг/кг дозада аллоксан юборилган 28 та каламушдан иборат бўлган. Назорат сифатида 22 та каламуш ишлатилган, улар дистилланган сув билан АОК қилинган. Тажриба лаборатор таҳлилари иммунофермент афтоматлаштирилган анализаторда, «Human» (Германия) диагностик реагентларини қўллаган ҳолда амалга оширилган.

Натижалар. Экспериментда 1-гуруҳда биринчи 6 кун ичида 3 та каламуш нобуд бўлди, бу 10,7% ни ташкил этди; 7-куни 2 та каламуш нобуд бўлди, бу 7,1% ни ташкил этди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, 1-гуруҳдаги лаборатория ҳайвонларининг аксариятининг нобуд бўлиши тажрибанинг биринчи ҳафтасига тўғри келган. Иккинчи экспериментал гуруҳда биринчи ҳафтада 12 та каламуш нобуд бўлди, бу 42,8% ни ташкил этди; 7-25 кунларда 4 та каламуш нобуд бўлди, бу 14,3% ни ташкил этди. Олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, каламушларнинг 2-гуруҳига аллоксаннинг катта дозалари киритилган 250 мг/кг биринчи ҳафтада каламушларнинг 48,2% нобуд бўлди, 7-35 кунларда ўлган каламушлар сони сезиларли даражада камайди ва 14,8% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса ўлим даражаси 3,7% ни ташкил этди. 1-гуруҳдаги тажрибасида каламушларда глюкоза даражаси 7-куни ошди.

Маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, аллоксанни 150 мг/кг миқдорда киритиш ўртача оғирликдаги экспериментал қандли диабетнинг ривожланишига, 250 мг/кг миқдорда юборилиши эса экспериментал қандли диабетнинг оғир тури ривожланишига олиб келган.